



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 22 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Абу Бакир Ўрозов хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифи биноан 22 ноябрь куни давлат ташири билан Корея Республикасига келди.

Сеул шаҳри аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Давлатимиз раҳбарини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён қутиб олди.

Ушбу ташир Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантқий давоми бўлиб, давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг қўлмали масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг олий даражадаги музокараларида ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўлмали масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молия-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ташир доирасида давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери Чон Сэ Гон ва Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашиш, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, йирик ишбилармонлар иштирокидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этиши кўзда тутилган.

Ташир якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шериклиги ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлики мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир қўллаб-қувватловчи ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг қутловида ушбу тарихан қисқа даврда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида салмоқли натижаларга эришилгани қайд этилган.

«Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ва кўп қиррали ўзаро алоқаларнинг намунавий моделини намойиш қилган ҳолда, бутун Марказий Осиё минтақасининг янада тараққиётини таъминлайдиган мустаҳкам пойдевор яратмоқда, деб таъкидланади қутловда. — Жорий йилда Сизнинг Остона шаҳрига таширингиз ва менинг Тошкентга таширимам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Уларнинг натижалари муносабатларимизни сезиларли равишда кенгайтириб, ҳамкорлигимизнинг янги устувор йўналишларини белгиллаб берди».


Нурсултон Назарбаев Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали стратегик шериклик асрлар давомида дўстлик ва ҳамжihatликда яшаб келаётган халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада жадал ривожланиб боришига қатъий ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутлуғ сана — дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган қутловида бундай дейлади: «Чиндан ҳам тарихий ушбу муҳим воқелик мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, Абдий дўстлик ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар асосида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга мустаҳкам пойдевор яратди».

«Жорий йилда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон яратди, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитди. Муваффақиятли ҳамда самарали ўзаро алоқаларнинг замонавий босқичи қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг манфаатларига тўлиқ жавоб беради, бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади», деб қайд этилади қутловда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама, жумладан, халқаро ва минтақавий тақшилотлар доирасидаги алоқалар бундан буён ҳам фаол кенгайиб ва ривожланиб боришига қатъий ишонч билдирган. «Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз», деб таъкидлаган.

ЎзА



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УСКУНАЛАРИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослаштирилган «UzAgroExpo — 2017» ҳамда «UzProdExpo — 2017» XIII халқаро кўргазмалари бошланди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзбекөзқ-овқатхолдинг» холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Корея Республикаси, Германия, Россия, Исроил, Испания, Италия, Туркия, Финляндия, Голландия, Ҳиндистон, Беларус, Латвия, Украина ва Қозоғистон каби давлатлардан 120 компания вакиллари иштирок этмоқда.

— Бундай кўргазмалар қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий минитехнологияларни кенг жалб қилиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Мухаммад-жон Қосимов. — Айни вақтда мамлакатимизда яратилган қулай шароит ва имтиёзлар, деҳқону фермерларнинг фидокорона меҳнати туфайли барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда. 180 дан ортиқ турдаги мева-

сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинаётгани бунинг исботидир.

«UzAgroExpo — 2017» кўргазмасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, ветеринария технологиялари ва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиниш ихтисослашган корхона-ташкilotлар маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарининг кенг экстензияси кўпчиликлда қизиқиш уйғотмоқда. Ер эгалари Германия, Россия, Беларус каби етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг янги қишлоқ хўжалиги техникалари билан танишмоқда.

— Ўзбекистонда тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли аҳоли сонига мос равишда қайта ишлаш саноати ҳам юқалиб бораётганига ғувоҳ бўлаётимиз, — дейди Россиянинг «ProInvest» компанияси тижорат директори Владимир Рудения. — Шу боис биз ҳам ҳамкорлигини кенгайтириш ниятидамыз. Ҳозир компаниямиз дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатига сут ингредиентлари,

озиқ-овқат ва ем саноати учун йирик ҳажмдаги қўшимчалар етказиб беради. Шунингдек, сутни қайта ишлашга мўлжалланган иккита ишлаб чиқариш корхонамиз бор.

Озиқ-овқат бозорлари, йирик савдо марказлари, омборхона эгаларига дўкон ва супермаркетларни «тайёр ҳолда топшириш» автоматлаштирилган тизимлари, мева-сабзавот омборлари, сархиллаш ва қадоқлаш марказлари, музлатиш камералари учун ускуналар, совутиш қурилмалари қизиқарли бўлиши тайин. Бу маҳсулотларни Голландия, Италия, Туркия, Жанубий Корея компаниялари стендидан топиш мумкин.

Кўргазмалар доирасида «Қишлоқ хўжалигида ва озиқ-овқат саноатида самарали бизнес юритиш учун Новосибирск вилоятининг илғор компанияларидан технологиялар», «Ўзбекистонда ёнқоқчиликни ривожлантириш» мавзуларида илмий-амалий семинар ўтказилади. Унда боғдорчилик, сабзавотчилик ва асаларичиликда янги технологияларни ўзлаштириш масаласи муҳокама қилинади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 22 ноябрь куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро ишонч ҳамда манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Икки давлат раҳбарларининг мулоқотлари, шу йил сентябрь ойида Нью-Йоркда ўтказилган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форуми мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация асосида тараққий этмоқда. Парламентлар ҳамда ҳукуматлар даражасидаги икки томонлама таширфлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият бошқарувини ислох қилишда муҳим асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалари ва минтақада барқарорлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

— Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юқалтириш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик, — деди Т.Келли. — Парламентлар ўртасида икки томонлама таширфлар фаоллашгани бу борадаги ўзгаришлар ҳақида фикрлашиш, қонун ижодкорлиги бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шароит яратмоқда.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни, хусусан, таълим, маданият, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги йўналишларида самарали ҳамкорлигини янада ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинди. Икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш хусусида фикр алмашилди.

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

МУНОСАБАТ

«МЕН — ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН»

Бу — Ўзбекистон Қахрамони, ЎзХДП фаоли, Хивадаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Пакнинг дил сўзлари.

— 1937 йилда шафқатсиз сиёсий тузум таъйиқи остида ўн минглаб қорейслар узоқ Шарқдан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган эди. Ушанда менинг ота-онам Қорақалпоғистоннинг Қўнғиротидан паноҳ топишган. Мен бу машум қўргўлликлардан беҳабар гўдак, орадан бир йил ўтиб, 1938 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда туғилганман. Тақдир ҳукми билан шу юрда туғилиш, яшаш, ишлаш пешонамга ёзилган экан. Лекин бундан ҳеч қачон афсусланмаганман.

Ўзбекистонда қорейс миллатига мансуб кишиларнинг истикомат қилаётганининг саксон йиллиги кенг нишонланиши ва унинг иштирокчиларига Президентимиз томонидан йўлланган табрик қалбимни ларзага солди. Айниқса, ушбу самимий қутловда менинг ҳам номим айтилганидан бошим осмонга етди. Умрим беҳудага ўтмаганидан, салкам қирқ йиллик ҳаётимни қўнғил ўқисқ болаларга бағишлаганимдан гурурландим.

Менинг назаримда дунёнинг ҳеч бир мамлакатига Ўзбекистондагидек бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат муҳити бўлмаса керак. Ота-онам то умрларининг охиригача ўзбек халқидан миннатдор бўлишди. Улар ўзбекларнинг нон-тузини унутманглар, биз уларнинг олдида қарздормыз, деб айтишар эди. Президентимиз Ватанимиз тараққиётида қорейс миллатига мансуб инсонларнинг ҳам фидокорона меҳнати борлигини алоҳида қайд этганида жуда қувондим. Бу икки халқнинг, ўзбек ва қорейсларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Меҳнаткаш, аҳил, иродаси мустаҳкам. Биз яхши кўнларда ҳам, оғир дамларда ҳам елкадош, даррдош бўлганмыз. Меҳр-оқибат борасида ҳам жуда яқинмыз. Ҳеч қачон дўстлигимизга, қадрдонлигимизга кўз тегмасин. Кўп марта тақдорланган бўлса-да, бир сўзни айтгим келади: дунё халқлари бағрикенгликни ўзбеклардан, Ўзбекистондан ўргансин. Шу азиз Ватан учун умримнинг охиригача хизмат қилишга, унинг табаррук туپроғини қўзимга суртишга тайёрман. Ўзбекистонда яшаётган барча қорейслар номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга алоҳида раҳмат айтаман.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов

НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА



Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ягона матбуот маркази брифинг ўтказди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссияси раиси Ҳамид Каримов сайловга тайёргарлик жараёнлари ҳақида маълумот берди.

Ҳабарингиз бор, жорий йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. 23 сентябрдан сайлов кампанияси бошланди.

Ушбу жараён Марказий сайлов комиссиясининг «Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича тадбирлар дастури» асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Маълумотга кўра, дастурга мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил этилган тегишли туман сайлов комиссиялари 19 ноябрга қадар депутатликка номзодларни рўйхатга

олиш бўйича ўз йиғилишларини ўтказди. Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабар яқин кўнларда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга асосан туман Кенгаши депутатлигига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир. Шу асосда сайловда қатнашаётган барча сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари Тошкент шаҳрининг 11 туманида ташкил этилган 330 сайлов округига биттадан номзод кўрсатди.

Сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан ортигини хотин-қизлар ташкил этди.

Қонунчиликка мувофиқ, депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланади.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Обуна — 2018

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ 220

